

11-01/4-son

13 fevral 2024 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

**Кармана тумани ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

2024 йил 2 февраль

Кармана тумани

Раислик қилувчи: **Н.Турсунов** - вилоят ҳокими

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, сектор раҳбарлари, вилоят корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, Кармана тумани ҳокими ва ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

Кармана туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида

(Н.Турсунов, Э.Камолов, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, М.Мамадиярова, Э.Авезов, Ж.Бобомуродов, А.Мирзаев, А.Тасбаев, Л.Хайруллаев, А.Рашидов, В.Авлонов, Р.Ҳайитова, Х.Пардаев, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб Кармана туманида ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар борлиги, уларни ҳал қилиш, туман аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш учун вилоят ҳокимлиги, вилоят ташкилотлари, Кармана тумани сектор раҳбарлари (В.Адизов, З.Барнаев, А.Абдираимов, Ў.Шодиев), ҳоким ўринбосарлари (Ш.Зайниев, Ш.Болтаев, Э.Кенжаев, С.Сатторов, Ў.Тиллаев, Г.Жалилова) **“халқни рози қилиш”** тамойили асосида ишларни ташкил қилиш кераклигига тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, Давлатимиз Раҳбари бошчиликларида жорий йилнинг 16, 18 ва 29 январь кунлари Иқтисодиёт, Инвестиция ва Қурилиш масалалари комплексларининг кенгайтирилган йиғилишларида белгилаб берилган вазифа ва катта марралардан келиб чиқиб, туманда ишларни ташкиллаштириш кераклиги белгилаб олинди.

Шундан келиб чиқиб, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишларни қайта кўриб чиқиб, тизим яратиш кераклиги, бунинг учун, вилоят ҳокимлиги Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) туман ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Назаров) билан биргаликда туман ҳокимлигига вилоят ҳокимлиги томонидан ижро этиш учун **“edo.ijro.uz”** электрон тизим орқали юборилган ҳужжатлар ижросини таҳлил қилиб, бажарилмаган ёки бажарилиш муддати бузилганлари бўйича камчиликларни **уч кун муддатда** бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, туман ташкилотларининг барчасида **“edo.ijro.uz”** электрон тизимига уланганлик ҳолатини кўриб чиқиб, уланмаганлари бўйича, туман ҳокими ва вилоят ташкилотлари билан бирга, **қисқа муддатда** ушбу муаммони ҳал қилиш вазифаси қўйилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижро интизоми масаласи ҳар ҳафта жума куни биринчи ўринбосар ҳузурида, душанба куни ҳоким ҳузурида танқидий муҳокама қилиб бориш тизимини йўлга қўйиш кераклиги белгилаб қўйилди.

Юқорида белгиланган вазифалар бўйича **Ш.Намозовга бир ҳафта муддатда** ҳамма муаммоларни ҳал қилиб, кунлик ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ҳисобот киритиб бориш топширилди.

Йиғилишда, туман мутассаддилари томонидан фуқаролар мурожаатларига етарли даражада эътибор қаратилмаслиги, фуқароларнинг мавжуд муаммоларини ҳаққоний ечиш ишлари қониқарсиз эканлиги учун такроран норози бўлиб мурожаат қилувчи фуқаролар сони ошганлиги ҳам танқид қилинди.

Хусусан, туманда 2023 йил Виртуал қабулхонадан келиб тушган 933 та мурожаатнинг 207 таси ёки 22 фоизи такрорий мурожаатларни ташкил этган, 67 та мурожаатлар белгиланган муддатдан кечиктирган ҳолда ёпилган.

Бу бўйича, вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдуазизов**)га туман ҳокимлиги мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходими билан биргаликда, ушбу йўналишдаги ишларни тартибга солиб, **бир ҳафтада** камчиликларни тўлиқ бартараф этиши кераклиги белгиланди.

Шу билан бирга, такрорий мурожаатларга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги, муаммо охиригача ҳал этилганда такрорий мурожаатлар камайишига эришиш мумкинлигини ҳар бир раҳбар чуқур англаши кераклиги тушинтириб ўтилди.

Шудан келиб чиқиб, **уч кун муддатда** туман ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари томонидан кенгайтирилган **оммавий сайёр қабул** ташкиллаштириш, ушбу сайёр қабул тўғрисида ижтимоий тармоқларда эълон бериб, қачон ва қаерда бўлишини аҳолига етказиш кераклиги белгиланди.

Ушбу сайёр қабулда **М.Мамадиярова** ҳам қатнашиши ва Қ.Абдуазизов мазкур топшириқни назоратга олиши белгиланди.

Йиғилишда ҳар бир соҳа бўйича олдинда турган катта вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан камайтириб юборган корхоналар билан ишлаш масалалари танқид қилинди.

Шунингдек, туманда рўйхатдан ўтган жами 742 та саноат корхоналаридан 266 таси ёки 35,8 фоизи фаолият кўрсатмаётган бўлса, 6 таси ўз фаолиятини тугатган ва 13 та корхона паст қувватда ишлаётганлиги ҳамда 2023 йилда тумандаги 3 та корхона томонидан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш режаси бажарилмасдан 13,2 млрд.сўмлик маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Туманда аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида мавсумий ишларга банд қилиш режаси 87,8 фоизни, легаллаштириш 95,7 фоизни, қишлоқ хўжалигида иш ўринлари яратиш 86,2 фоизни ташкил этиб, ушбу йўналишларда дастур ижроси таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, туманда фаолият олиб боровчи якка тартибдаги тадбиркор ва ҳунармандларнинг 30 фоизга яқини фаолиятини тўхтатганлиги, 2023 йил давомида ҳоким ёрдамчилари томонидан ташкил этилган 586 та кичик бизнес субъектларидан 468 тасида ёки 80 фоизида янги иш ўрни яратилганлиги кескин танқид остига олинди.

Туманда ўтган 2023 йил якуни билан муаммоли кредитлар қолдиғи 92,6 млрд.сўмни, шундан имтиёзли кредитлар жами муаммоли кредитларнинг 29,5 фоизини ёки 27,3 млрд.сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 15,2 млрд.сўмга ошганлиги танқид қилинди.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш бўйича туман сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Зайниев**), вилоят

камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**), Марказий банк вилоят бошқармаси (**Пардаев**)га туманда қолиб ишларни ташкиллаштириш юзасидан тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда туманда 2023 йил экспорт прогнози 41,0 фоизга бажарилиб, 43,8 млн.долларлик қолоқликка йўл қўйилганлиги, жорий йилда ҳам экспорт режаси барбод бўлаётган бўлиб, январь ойи режаси 77 фоизга бажарилганлиги танқид қилинди.

Шунингдек, тумандаги 300 гектарга яқин иссиқхоналарда етиштирилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш масалалари бўйича ҳам етарлича шуғулланилмаётганлигига ҳам тўхталиб ўтилди.

Шу билан бирга, туманда 2023 йил 250,9 млн.долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режаси, амалда 33 фоизга бажарилиб, 168,8 млн.доллар инвестициялар ўзлаштирилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳам манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, шунча салоҳияти, етарли инфратузилмаси, фойдали қазилма бойликлари ва тадбиркорлик учун шароити бўлсада, 2024 йилда туманда ҳудудий инвестиция дастури бўйича атиги 56 та лойиҳа шакллантирилганлиги, бу эса 2023 йилда ишга туширилган лойиҳалардан сон, қиймат ва яратилган иш ўринлари жиҳатидан ҳам кам эканлиги танқид қилиниб, Марказий банк вилоят бошқармаси (**Пардаев**)га тижорат банклари билан биргаликда **беш кун муддатда камида 100 та янги** лойиҳаларни шакллантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мазкур масалаларни вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Ғаффоров**), вилоят ҳокимлиги котибият мудирини (**Сайфиддинов**) назоратга олиб, кунлик ҳисобот бериб бориш белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, Кичик саноат зоналари бўйича ҳам ишлар етарли ташкил этилмаганлиги, хусусан, мебелчилик бўйича ҳам берилган топшириқлар бажарилмаганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Шундан келиб чиқиб, “Кичик ва ёшлар саноат зоналари ягона дирекцияси” ДУК (**Облақулов**), вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Ғаффоров**), Кармана тумани ҳокими (**Адизов**) туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Зайниев**) билан бирга КСЗлар фаолиятини бугуннинг ўзида қолиб, қайта кўриб чиққан ҳолда, **бир**

ҳафта ичида янги лойиҳаларни шакллантириб, тармоқ жадвалларини ва “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Ғаффоров**), Кармана тумани ҳокими (**Адизов**)га **бир кун муддатда** жорий йилнинг 18 январида давлат раҳбари бошчилигида инвестиция масалалари бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда белгилаб берилган топшириқлар ижроси бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, уни амалга оширилишини доимий назорат қилиб, сўров олиб бориш ҳамда натижаси бўйича ҳар ҳафтада шахсан вилоят ҳокимига ҳисобот бериш белгилаб қўйилди. Бу борада қилинган ишлар назорати вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари **Э.Авезовга** юклатилди.

Йиғилишда қурилиш комплекси бўйича туманда кўплаб муаммолар юзага келиб қолганлигига ҳам тўхталиб ўтилди.

Жумладан, “Сардоба” МФЙдаги Гулистон кўчасидаги 1, 2, 5 ва 6-сонли кўп қаватли уйларнинг фасад қисмлари ва Беруний кўчаси 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 ва 9-сонли уйларнинг 200 кв.м кичик йўлаклар (отмостка) қисми, “Зарафшон” МФЙ, Қавала кўчасидаги 211, 212, 213 ва 214 уйларнинг 12 та кириш йўлаклари, “Бешкент” МФЙ, Роҳат кўчаси 2- ва 4-уйларнинг туташ ҳудудлардаги умумий фойдаланиш ҳожатхонаси антисанитария ҳолатига келиб қолганлиги масалалари танқид қилинди.

Шу билан бирга, Навоий кўчаси, аэропортдан келадиган йўл бўйларини ободонлаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Юқоридаги муаммоларни бартараф қилиш ҳамда давлат раҳбари бошчилигида 29 январда “Қурилиш комплекси” масалалари бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокими ўринбосари **Ш.Болтаев**, вилоят автомобиль йўллари бошқармаси (**Ҳалимов**), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Исломов**), “Навоий сув таъминоти” МЧЖ (**Зарипов**), Экология бошқармаси (**Эргашев**) **бир кун муддатда** эга-кесими ва муддати аниқ бўлган “Йўл харита”ни ишлаб чиқиш ва вилоят ҳокимининг ўринбосари **Э.Камолов** томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди.

Ушбу камчиликларни тезлик билан бартараф қилиш чорасини кўрган ҳолда вилоят ҳокимининг ўринбосари Э.Камоловга **ҳар куни** сўраб, муҳокама қилиб бориш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” меъзонлари асосида “Янгиариқ” МФЙда амалга оширилаётган ишларни кунлик ташкил қилиб, юзага келадиган муаммоларни жойида ҳал қилган ҳолда барча ишларни 1 апрелга қадар тўлиқ ва сифатли

яқунлаш бўйича вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Камолов**)га ва туман ҳокими ўринбосари (**Болтаев**)га топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, тумандаги жисмоний ва юридик шахсларнинг “Навоий сув таъминоти” МЧЖдан ичимлик сувидан ҳосил бўлган нореал қарздорликларни аниқлаш ва тизимдан ўчиртириш ҳамда қарздорликни камайтириш чораларини кўриш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

“Навоий сув таъминоти” МЧЖ (**Зарипов**)га туманга вилоятдан ходимларини бириктириш вазифаси топширилди.

Шунингдек, камчиликларни бартараф этиш бўйича вилоят ҳокими ўринбосари **С.Ҳикматов**, Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Рашидов**), вилоят қишлоқ хўжалиги бош бошқармаси (**Авлонов**) билан биргаликда Кармана туманида қолиб, қишлоқ хўжалигига тегишли барча масъулларни йиғиб, танқидий муҳокама қилган ҳолда қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича “**Йўл харита**”сини **бир кун муддатда** тасдиқлаш, сектор раҳбарлари билан бирга ишларни ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Бу бўйича вилоят ҳокимлиги котибият мудири **Ж.Болиевга** ва Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Рашидов**)га барча масалаларга бош-қош бўлиб, ҳар куни тегишли вилоят ташкилотларини олиб келиб, ишларни бўлиб бериш ва вилоят ҳокимининг ўринбосари **С.Ҳикматовга** кунлик ҳисобот бериб бориш юклатилди.

Шунингдек, вилоят қишлоқ хўжалиги бош бошқармаси (**Авлонов**), Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Убайдуллаев**), вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (**Ярлақабов**), вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низомов**)га барча камчиликлар тўлиқ бартараф этилмагунча бир нафардан ўринбосарларини Кармана туманига бириктириш вазифалари юклатилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосари **Ж.Ходжаев** вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) билан биргаликда тумандаги мактабларни ўрганиб чиқиб, аҳволи энг оғир бўлган мактаблар билан шуғулланиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари **Ж.Ходжаев**, вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Баҳромов**), вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), туман ҳокими ўринбосари (**Кенжаев**)га **икки кун муддатда** юқоридаги муаммолар ва 2024 йилда амалга

ошириладиган ишлар бўйича “**Йўл харита**”сини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Вилоят ҳоқими ўринбосари Ж.Ходжаевга ҳар куни сўров тизимини йўлга қўйиш ва муҳокама қилиб бориш ҳамда натижаси бўйича вилоят ҳоқимига ҳисобот бериб бориш топширилди.

Шунингдек, йиғилишда туман сектор раҳбарлари томонидан хотин-қизлар масалалари бўйича етарлича шуғулланилмасдан, уларнинг муаммоларини эшитмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**)га ўзининг бир нафар ўринбосарини Кармана туманига бириктирган ҳолда жинойтчиликнинг олдини олиш бўйича ишларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳоқими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи **М.Мамадияровага** вилоят ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), Кармана тумани ҳоқими ўринбосари (**Жалилова**) ва бошқа мутасаддилар билан биргаликда хотин-қизлар масалалари бўйича “**Йўл харита**”сини ишлаб чиқиб, кунлик назорат ўрнатиш бўйича вазифалар белгилаб берилди ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича ҳар куни вилоят ҳоқимига ҳисобот киритиб бориш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда вилоят ҳоқими ўринбосари **Ж.Ходжаев**, туман ҳоқими ўринбосари (**Тиллаев**), вилоят олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Мирзоев**)га инновацияни ривожлантириш бўйича **икки кун муддатда** 2024 йилга энг муҳим вазифалар бўйича “**Йўл харита**”сини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, тумандаги сайёҳларга хизмат кўрсатувчи туризм объектлари ҳамда умумий овқатланиш шаҳобчаларида туризм хизматлари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят ҳоқими ўринбосари **С.Мирзаевга**, туман ҳоқими ўринбосарлари (**Кенжаев, Тиллаев**) ва бошқа мутасаддиларни жалб қилган ҳолда **уч кун муддатда** туризмни ривожлантириш масалалари бўйича “**Йўл харита**”сини тасдиқлаб, ижроси бўйича кунлик вилоят ҳоқимига ҳисобот киритиш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, туман прокурори (**Барноев**) ва туман ички ишлар бўлими (**Абдираимов**)га **икки кун муддатда** жинойтчиликни олдини олиш, профилактикани кучайтириш, профилактика нозирларининг масъулиятини ошириш, ёшлар, аёллар ва ишсизлар ўртасида жинойтчиликни камайтириш, айниқса “қизил тоифадаги”

маҳаллалар билан алоҳида шуғулланиш бўйича “Йўл харита” сени ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**)га ижроси бўйича сектор раҳбарлари, жамоатчилик ва тегишли масъуллар билан бирга ҳар куни шуғулланиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ҳисобот бериб бориш вазифалари топширилди.

Кун тартибида берилган топшириқлар ҳамда Кармана туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида йиғилиш,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кармана туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида вилоят ҳокимининг берган топшириқ ва кўрсатмалари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Кармана туманида ўз ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар ва уларни ҳал қилиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ҳамда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш борасида сектор раҳбарлари (**Адизов, Барнаев, Абдираимов, Шодиев**), ҳоким ўринбосарлари (**Зайниев, Болтаев, Кенжаев, Сатторов, Тиллаев, Жалилова**) томонидан олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) туман ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Назаров**):

уч кун муддатда туман ҳокимлигига вилоят ҳокимлиги томонидан ижро учун “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали юборилган ҳужжатлар ижросини таҳлил қилиб, бажарилмаган ёки бажарилиш муддати бузилганлари бўйича камчиликларни бартараф этилишини;

туман ташкилотларининг барчасида “edo.ijro.uz” электрон тизимига уланганлик ҳолатини ўрганиб чиқиб, уланмаганлари бўйича туман ҳокими ва вилоят ташкилотлари билан биргаликда, қисқа муддатда ушбу муаммони ҳал қилинишини таъминласин.

4. Кармана тумани ҳокими (**Адизов**) ижро интизоми масаласи ҳар ҳафта жума куни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳузурида, душанба куни ҳоким ҳузурида танқидий муҳокама қилиб бориш тизимини йўлга қўйсин.

Вилоят ҳокимлиги Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) Кармана туманида қолиб, **бир ҳафта муддатда** барча муаммоларни

ҳал қилиб, кунлик ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ҳисобот киритиб борсин.

5. Вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдуазизов**):

туман сектор раҳбарлари ва туман ҳокимлиги мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходими билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** такрорий мурожаатларни ўрганиб, камчиликларни тўлиқ бартараф этсин;

вилоят ҳокими ўринбосари **М.Мамадиярова** (*лозим бўлса, бошқа вилоят ҳокими ўринбосарлари ҳам*) билан биргаликда **уч кун муддатда** ҳоким бошчилигида сектор раҳбарлари томонидан кенгайтирилган оммавий сайёр қабул ташкил қилинишини таъминласин.

6. Кармана туманида муаммоли кредитларни ундириш бўйича вилоят Марказий банк бошқармаси (**Пардаев**), вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**), туман сектор раҳбарлари ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Зайниев**)нинг олиб бораётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

7. Вилоят ҳокимлиги котибият мудирини (**Сайфиддинов**), вилоят Марказий банк бошқармаси (**Парадаев**), туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Зайниев**):

икки кун муддатда саноат корхоналарининг пасайтириш сабабларини чуқур таҳлил қилиш, уларнинг молиявий ва бошқа муаммоларини ҳал қилиш, янги бозор топишда кўмаклашиш ва жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ҳар бир корхонада 106 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш учун ойма-ой режа-график ишлаб чиқиб, ижросини доимий назоратга олиш;

хизмат кўрсатиш ҳажмини пасайтирган 9 та корхона бўйича бирма-бир ўрганиб, уларга амалий ёрдам бериш;

М-37 халқаро йўл бўйи атрофида тоифаси ўзгартирилган ер майдонларида хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни шакллантириш, умуман олганда жорий йилда хизмат соҳасини камида 120 фоизга ўсишини таъминлаш бўйича манзилли Дастур ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

8. Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Зайниев**) жорий йилда 20,4 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича манзилли дастур лойиҳасини шакллантириб уч кун муддатда халқ депутатлари туман Кенгаши муҳокамасига киритсин.

Назорати **Б.Сайфиддиновга**.

9. Вилоят солиқ бошқармаси (**Ботиралиев**) бир нафар ўринбосарини туманга бириктириб, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (**Қорабаев**) ва ҳокимнинг биринчи ўринбосари (**Зайниев**) билан биргаликда икки кун муддатда фаолиятсиз тадбиркорлик субъектларини ва ЯТТларни таҳлил қилиб, тиклаш чорасини кўрсин ҳамда **бир ҳафта муддатда** ушбу топшириқ ижроси бўйича вилоят ҳокимиغا ахборот берсин.

10. Вилоят ҳокимлиги котибият мудирини (**Сайфиддинов**), вилоят солиқ бошқармаси (**Ботиралиев**), Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (**Қорабаев**), вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Ғаффоров**), Марказий банк вилоят бошқармаси (**Пардаев**) ва тижорат банклари билан биргаликда **беш кун муддатда** тумандаги тадбиркорлар билан учрашув ўтказилишини таъминласин.

Бунда, инвестиция дастуридаги лойиҳа эгалари, хорижий инвестиция киритмоқчи бўлган, лойиҳа қилмоқчи бўлган фуқаролар, фаолиятсиз кичик бизнес субъектларининг иштироки ва уларнинг муаммоларини ҳал этилишига эътибор қаратсин.

11. Ҳунарманд уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Жумаев**) фаолият кўрсатмаётган, тугатилган ҳунармандлар билан учрашиб, улар фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашган ҳолда кредит ва субсидияга эҳтиёжи борлари бўйича алоҳида рўйхат шакллантириб, Марказий банк вилоят бошқармаси (**Пардаев**) билан бирга ишларни ташкиллаштирсин.

Назорати **Б.Сайфиддиновга**.

12. Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармаси (**Атажанов**) тумандаги бўш турган биноларга тадбиркорларни жалб қилишга ёрдам берган ҳолда, сотилмай турган давлат мулки объектларини савдога чиқарилишини ташкил қилсин.

13. Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**) туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Зайниев**) билан бирга “ҳоким ёрдамчилари” фаолиятини таҳлил қилиб, 4 нафар қониқарсиз (Дўрман, Ҳазора, Янгиобод, Фарход) ва 13 нафар қониқарли натижа қайд этган “ҳоким ёрдамчилари” бўйича алоҳида шуғулланиб, 1-чорак якуни билан улар фаолиятида ижобий ўзгариш бўлмаса, қонунчиликда ўрнатилган тартибда лавозимида қолиш масаласини кўриб чиқсин.

14. Марказий банк вилоят бошқармаси (**Пардаев**), вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (**Хайруллаев**), туман сектор раҳбарлари ҳамда туман ҳокимининг

биринчи ўринбосари (Зайниев), “ҳоким ёрдамчилари” ва тижорат банклари билан биргаликда **бир кун муддатда** муаммоли кредитларни ундириш бўйича график ишлаб чиқиб, ҳар кунлик ижросини ташкил қилсин.

15. Вилоят ҳокимлиги котибият мудирини (Сайфиддинов), туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Зайниев) **икки кун муддатда** жорий йилнинг 16 январида Давлат Раҳбари бошчилигида иқтисодий комплекс масалалари бўйича ўтказган йиғилишида берган топшириқлари ижросини туманда ташкил қилиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, ижроси бўйича кунлик назорат ўрнатилишини йўлга қўйиб, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Атамуродов) бошчилигида **ҳар уч кунда** танқидий муҳокама қилиб борилишини таъминласин.

Назорати **Э.Авезовга**.

16. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳини (Авезов), вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармасини (Ғаффоров) Кармана тумани ҳокими (Адизов) билан бирга **уч кун муддатда** туман ҳокимининг Инвестиция масаласи бўйича ўринбосари лавозимига номзодни Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигини билан келишиб, тайинлаш чорасини кўрсин.

17. Кармана тумани ҳокими (Адизов) туман сектор раҳбарлари билан бирга **уч кун муддатда** иссиқхоналарда етиштирилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш масалаларини ўрганиб, экспорт режасини кўриб чиққан ҳолда уларда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўрсин.

18. Вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармасини (Ғаффоров) Кармана туманида хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш чорасини кўрсин.

19. Марказий банк вилоят бошқармасини (Пардаев) тижорат банклари ва Кармана тумани ҳокимлигини (Адизов) билан биргаликда **беш кун муддатда** Кармана туманида камида 100 та янги лойиҳаларни шакллантирсин ва уларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадваллари (сетевой график) тасдиқланишига кўмаклашсин. Бунда асосий эътибор иш ўринлари яратишга қаратилсин.

Мазкур топшириқ ижросини вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармасини (Ғаффоров), вилоят ҳокимлиги котибият мудирини (Сайфиддинов) назоратга олиб, кунлик ҳисобот бериб бориши белгилаб қўйилсин.

20. “Кичик ва ёшлар саноат зоналари бўйича ягона дирекцияси” ДУК (**Облақулов**), вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Ғаффоров**), туман ҳокими (**Адизов**), туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Зайниев**) билан бирга КСЗлар фаолиятини қайта кўриб чиққан ҳолда, **бир ҳафта муддатда** мебелчилик бўйича янги лойиҳаларни шакллантириб, тармоқ жадваллари ва “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин.

21. Вилоят инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси (**Ғаффоров**) туман ҳокими (**Адизов**) билан бирга **бир кун муддатда** жорий йилнинг 18 январида давлат раҳбари бошчилигида Инвестиция масалалари бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда белгилаб берилган топшириқлар ижроси бўйича “**Йўл харитаси**”ни ишлаб чиқиб, унинг амалга оширилишини доимий назоратга олган ҳолда натижаси бўйича ҳар ҳафтада вилоят ҳокимига ҳисобот бериш вазифаси юклатилсин.

Назорати: **Э.Авезовга**.

22. Туман ҳокими ўринбосари (**Болтаев**), вилоят автомобиль йўллари бошқармаси (**Ҳалимов**), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Исломов**), “Навоий сув таъминоти” МЧЖ (**Зарипов**), вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси (**Эргашев**) **бир кун муддатда** муаммоларни бартараф қилиш ҳамда Давлат раҳбари бошчилигида 29 январда “Қурилиш комплекси” масалалари бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида “**Йўл харита**”сини ишлаб чиқиб, вилоят ҳокими ўринбосари **Э.Камоловга** тасдиқлатсин.

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Камолов**) ушбу йўл харита ижросини назорат қилиб доимий муҳокама қилиб борсин.

23. Кармана тумани ҳокими (**Адизов**) “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” меъзонлари асосида “Янгиариқ” МФЙда амалга оширилаётган ишларни кунлик ташкил қилиб, юзага келган муаммоларни жойида ҳал қилган ҳолда барча ишларни жорий йилнинг 21 мартга қадар тўлиқ ва сифатли якунлаш чораларини кўрсин.

24. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Камолов**), “Навоий сув таъминоти” МЧЖ (**Зарипов**), туман ҳокими ўринбосари (**Болтаев**) туманда “Навоий сув таъминоти” МЧЖнинг ичимлик сувидан ҳосил бўлган нореал қарздорликларни аниқлаш ва тизимдан ўчиртириш ҳамда қарздорликни камайтириш бўйича “Навоий сув таъминоти” МЧЖнинг ходимларини туман маҳаллаларига бириктирган ҳолда ишларни ташкил этсин.

25. Вилоят ҳоқими ўринбосари (**Ҳикматов**), Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Убайдуллаев**), Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Рашидов**), туман сектор раҳбарлари томонидан туманда фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш бўйича амалга ошираётган ишлари қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

26. Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Авлонов**), Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Убайдуллаев**), вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (**Ярлақабов**), вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низомов**) бир нафардан ўринбосарларини Кармана туманига бириктириб барча камчиликлар тўлиқ бартараф этилмагунча уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

27. Вилоят ҳоқимлиги котибият мудирини (**Болиев**), Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Рашидов**) барча масалаларга бош-қош бўлиб, ҳар куни тегишли вилоят ташкилотларини алб қилиб, ишларни ташкил қилган ҳолда вилоят ҳоқими ўринбосари **С.Ҳикматовга** кунлик ҳисобот бериб борсин.

28. Вилоят ҳоқими ўринбосари (**Ҳикматов**):

Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Рашидов**), вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Авлонов**) Кармана туманида қишлоқ хўжалигига тегишли барча масъулларни йиғиб, танқидий муҳокама қилган ҳолда қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича “**Йўл харита**”сини **бир кун муддатда** тасдиқлаб, сектор раҳбарлари билан бирга ижросини ташкил қилсин;

ҳар уч кунда муҳокама қилиб, камчиликларни бартараф қилсин ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича вилоят ҳоқимига ҳисобот бериб борсин.

29. Вилоят ҳоқими ўринбосари (**Ходжаев**):

вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) билан биргаликда тумандаги мактабларни ўрганиб, аҳволи энг оғир бўлган мактаблар билан шуғулланиш бўйича ишларни ташкил қилсин;

вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Баҳромов**), вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), туман ҳоқими ўринбосари (**Кенжаев**) **икки кун муддатда** қайд этилган муаммолар ва 2024 йилда амалга ошириладиган ишлар бўйича “**Йўл харитаси**”ни ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

ҳар кун сўров тизимини йўлга ўйиб, муҳокама қилиб борсин ҳамда натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин;

Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (**Баҳромов**) билан биргаликда оғир аҳволдаги ёшлар билан ишлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиб, ҳолати бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

30. Туман сектор раҳбарлари томонидан хотин-қизлар масалалари бўйича етарлича шуғулланилмасдан, уларнинг муаммоларини эшитмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

31. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Мамадиярова**):

тумандаги низоли оилаларни аниқлаб, уларни сектор раҳбарларига бириктириб тасдиқласин;

вилоят ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), туман ҳокими ўринбосари (**Жалилова**) ва бошқа мутасаддилар билан биргаликда хотин-қизлар масалалари бўйича “**Йўл харитаси**” ишлаб чиқиб, кунлик назоратини йўлга қўйсин;

амалга оширилган ишлар бўйича **ҳар кун** вилоят ҳокимига ҳисобот киритиб борсин.

32. Вилоят ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**) ўзининг бир нафар ўринбосарини Кармана туманига бириктирган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ишларни ташкил қилсин.

33. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**), туман ҳокими ўринбосари (**Тиллаев**), вилоят олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Мирзоев**) билан биргаликда инновацияни ривожлантириш бўйича **икки кун муддатда** 2024 йилги энг муҳим вазифалардан келиб чиқиб “**Йўл харитаси**”ни ишлаб чиқиб тасдиқласин.

Инновацияни ривожлантириш масалалар бўйича аниқ ва манзилли ишларни ташкил қилиш, туман даражасидаги масалаларни туман ҳокими В.Адизов шахсан ўзи ҳал қилиши, вилоят даражасидаги муаммоли масалалар бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (Мирзоев) вилоят ҳокимига таклиф киритиб бориш белгилаб қўйилсин.

34. Кармана туманидаги сайёҳларга хизмат кўрсатувчи туризм объектлари ҳамда умумий овқатланиш шахобчаларида туризм хизматлари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

35. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Мирзаев**), туман ҳокими ўринбосарлари (**Кенжаев, Тиллаев**) ва бошқа мутасаддиларни жалб қилган ҳолда **уч кун муддатда** туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ишларни шахсан ташкиллаштириб, “**Йўл харитаси**”ни

тасдиқлаб, ижроси бўйича ҳар куни вилоят ҳокимига ҳисобот киритиб борсин.

36. Туман прокурори (**Барноев**) туман ички ишлар бўлими (**Абдираимов**) билан ҳамкорликда **икки кун муддатда** жиноятчиликни олдини олиш, профилактикани кучайтириш, профилактика нозирларининг масъулиятини ошириш, ёшлар, аёллар ва ишсизлар ўртасида жиноятчиликни камайтириш, айниқса “қизил тоифадаги” маҳаллалар билан алоҳида шуғулланиш бўйича **“Йўл харитасини”** ишлаб чиқсин.

Ижроси бўйича сектор раҳбарлари, жамоатчилик ва тегишли масъуллар билан бирга ҳар куни шуғуланиб, натижаси бўйича вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**) орқали вилоят ҳокимига ҳисобот бериб борилишини таъминласин.

37. Кармана тумани ҳокими (**Адизов**):

Тумани ҳокими ўринбосарлари (**Зайниев, Болтаев, Кенжаев, Сатторов, Тиллаев, Жалилова**)нинг олиб бораётган фаолиятлари қониқарсиз эканлиги алоҳида қайд этилсин;

ўн кун муддатда фаолиятида кескин ўзгариш қилмаса, навбатдаги интизомий жазо чораси қўлланилиши белгилаб қўйилсин;

ўн беш кун муддатда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари билан келишган ҳолда туман ташкилотлари раҳбарларнинг шахсий масъулиятини кўриб чиқсин ҳамда тегишли тартибда таклифлар киритсин;

Кармана тумани ҳокими ўринбосарлари ва сектор раҳбарлари билан биргаликда **бир кун муддатда** бугунги йиғилишда қайд этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича манзилли **“Йўл харитаси”**ни ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш бўйича кунбай ишларни ташкил қилсин.

38. Кармана тумани сектор раҳбарлари (**Барнаев, Абдираимов, Шодиев**) ўзларига кескин хулоса чиқарган ҳолда, давлат раҳбари ишониб топширган лавозими бўйича ҳоким билан биргаликда бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда ишларни ташкил қилсин.

39. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари:

бугундан ҳар бири ўз йўналишида аниқланган муаммоларни бартараф қилиш бўйича ишларни ташкил қилсин;

муаммоларни бартараф қилиш ҳамда **“Йўл харитаси”**да белгиланган топшириқлар ижросини таъминлашда вилоят ташкилотларини жалб қилган ҳолда, туман ҳокимлигига яқиндан кўмак берсин ҳамда кунлик сўров тизимини жорий қилсин;

ҳар бир котибиятдан бир нафардан ходимини бириктириб, вилоят ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириб, ҳар куни соат 18-00 га қадар вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи ва Ташкилий-кадрлар гуруҳига тақдим этиб борсин;

40. Вилоят сектор раҳбарлари (**Мирзаев, Тасбаев, Ботиралиев**) ўз секторлари бўйича ишларни ташкил қилиб, кунлик назорат олиб борсин ҳамда давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифа ва топшириқларни туманда тўла-тўқис ташкил қилинишида амалий ёрдам берсин.

41. Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибияти (**Ҳамроев**)га туман кенгаши фаолиятини тартибга солиш, туман сессияларида туман кўрсаткичларини яхшилаш бўйича ҳоким ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, ташкилот раҳбарлари ҳисоботларини эшитиб бориш, депутатлар масъулиятини ошириш масалалари билан шуғулланиши тавсия этилсин.

Амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича **бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

42. Кармана тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Зайниев**) ҳоким ўринбосарлари ва сектор раҳбарлари томонидан олиб борилган ишларни умумлаштириб, ҳар куни соат 18-00 га қадар вилоят ҳокимлигига ҳисобот тақдим этиб борсин.

43. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) вилоят ташкилотларининг **ҳар куни** туманга келиб, ишларни ташкил қилинганлигини назоратга олиб, бу тўғрисида вилоят ҳокимига кунлик ахборот киритиб борсин.

44. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

Баённомани расмийлаштирди



С.Қодиров